

БОЛАЛАР МАНФААТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯНИ ТАРТИБИНИ ҚЎЛЛАШ

Тожиева Муборакхон Анваровна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7067846>

Аннотация. Мақолада муаллиф болалар билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этишида медиация тартибини қўллаш масалалари таҳлил қилади. Бу бўйича миллий ва хорижий адабиётларни муҳокама этган. Оилавий медиация болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этиши воситаси сифатида таклиф этилган. Мақола сўнгида муаллиф миллий ва хорижий олимларнинг болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этишида медиация тартибини қўллаш ҳақидаги фикрлари, бу бўйича миллий ва хорижий тажриба таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ушбу турдаги низоларда медиация тартибини қўллашни такомиллаштириши ва кенгайтириши юзасидан асослантирилган таклифларни бериб ўтади.

Калит сўзлар: медиация, оилавий медиация, ювеналь медиация, болалар тарбияси, низо, мактаб медиацияси.

ПРИМЕНЕНИЕ ПРОЦЕДУРЫ МЕДИАЦИИ ПРИ РАЗРЕШЕНИИ СПОРОВ, СВЯЗАННЫХ С ИНТЕРЕСАМИ ДЕТЕЙ

Аннотация. Автор анализирует использование медиации в спорах, связанных с детьми. В связи с этим автором была рассмотрена и оценена зарубежная и отечественная литература. Семейная медиация предложена в качестве способа разрешения споров, связанных с воспитанием детей. В заключение автор оценивает различные теории отечественных и зарубежных ученых в области медиации в воспитании детей и предлагает правовые поправки в национальное законодательство.

Ключевые слова: медиация, семейная медиация, ювенальная медиация, воспитание детей, спор, школьная медиация.

APPLICATION OF THE MEDIATION PROCEDURE IN RESOLVING DISPUTES RELATED TO THE INTERESTS OF CHILDREN

Abstract. Author analysis the use of mediation in disputes arisen from the childcare. In this vien, the foreign and national literature have been reviewed and assessed by the author. Family mediation suggested as the way of the dispute resolution in relation to childcare. Author concludes by assessing the various theories of national and foreign scholars in the field of mediation in childcare and proposing legal amendments to the national legislation.

Keywords: mediation, family mediation, juvenile mediation, childcare, dispute, school mediation

КИРИШ

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида оилавий низоларнинг олдини олишга, оила институтининг бутунлиги ва узлуксизлигини сақлаб қолишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-81-сон Фармони билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Олиб борилаётган кенг кўламли ишларга расмий статистик маълумотларга кўра, 2021 йилнинг дастлабки олти ойида оилавий ажримлар сони 2020 йилга нисбатан 34 фоизга, 2019 йилга нисбатан эса 17 фоизга кўпайган.

Дастлабки маълумотларга асосан, республикада жами ажралишларнинг 52,9% фарзандсизлар, 27,5% битта фарзанд билан ва 19,6% икки ва ундан ортиқ фарзанд билан ажрашганлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2021 йил март ойида Ўзбекистон Гендер комиссияси томонидан ўтказилган сўровномада иштирок этган 51 нафар аёлнинг 44 нафарида жами 70 нафар бола борлиги аниқланган ва улардан 99 фоизи отаси билан умуман кўришмаслиги маълум бўлган. Ваҳоланки, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш боланинг қонунчиликда белгиланган ажралмас ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 23-сон қарорининг 2-бандига кўра болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган:

боланинг бошқа-бошқа турган ота-онадан қайси бири билан бирга яшаши;

боласидан алоҳида турадиган ота ёки онани боласининг тарбиясида иштирок этишга қаршилиқни бартараф этиш;

бошқа шахсларнинг тарбиясида бўлган болаларни ота-онасига қайтариш;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ва ота-оналик ҳуқуқини тиклаш;

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этмасдан болаларини олиш (ота-оналик ҳуқуқини сақлаш);

боланинг ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она билан кўришиши;

ота-оналик ҳуқуқи чекланишини бекор қилиш;

фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ва бошқа низолар судда кўрилиши лозим.

Албатта, мазкур қарор қабул қилинган даврда, шунингдек 2020 йилга қадар ҳам оилавий низоларни ҳал қилишнинг ягона воситаси сифатида фуқаролик ишлари бўйича судлар тушунилар эди.

Аммо фуқаролик муомаласи муносабатлари доирасининг тобора кенгайиб бориши судларга бўлган иш юкламасининг ниҳоятда ортиб кетишига сабаб бўлди. Айнан шу сабабли ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида низоларни ҳал қилишнинг суддан бошқа ҳал қилиш усуллари ишлаб чиқилган эди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида судгача низоларни ҳал этишнинг механизмларини белгиловчи “Яраштириш жараёнлари (медиация) тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Шу муносабат билан 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Қонуннинг 3-моддасига кўра ушбу Қонуннинг амал қилиши фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек яқка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий

муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланганлиги сабабли болалар тарбияси билан бўлган низоларни бартараф этишда медиация тартибини қўллаш мумкин, деган хулоса келиш мумкин. Бундан медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низолар мустасно.

НАЗАРИЯ

Назарий жиҳатдан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар тушунчаси миллий ва хорижий олимлар томонидан кўп бора таҳлил қилинган.

Е.А.Чефранованинг фикрича, болалар тарбияси билан боғлиқ низолар бу – боланинг оилада тарбияланиш ҳуқуқининг амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва бола тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқи берилган шахслар ёки шундай шахслар ва бола ўртасида юзага келадиган ҳар қандай оилавий-ҳуқуқий низолардир.

А.В.Мужиченконинг таъкидлашича, болалар тарбияси билан боғлиқ низолар деганда,

биринчидан, болалар тарбияси билан боғлиқ ота-оналар ўртасидаги низолар;
иккинчидан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг болаларни учинчи шахслардан олиши бўйича низолар;
учинчидан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш бўйича ишлар;
тўртинчидан, болаларнинг келиб чиқиши хусусидаги низолар;
бешинчидан, фарзандликка олиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш бўйича низолар тушунилади.

З.Н.Эсанова болалар тарбияси билан боғлиқ низоларнинг келиб чиқишини куйидаги сабаблар билан боғлайди:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси принципларининг бузилиши;
- 2) «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни принципларининг бузилиши;
- 3) Оиланинг тўлақонли мустаҳкам эмаслиги;
- 4) Оиладаги муҳитнинг талабга жавоб бермаслиги;
- 5) Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва кам таъминланган оилаларнинг ҳимоясизлиги;
- 6) Ота-оналарнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ахлоқ-одоб жиҳатидан саводсизлиги;
- 7) Ижтимоий хавф гуруҳига кирадиган болалар тарбиясида оила, мактаб ва маҳалла иштирокининг йўқлиги;
- 8) Болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юклатилган давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашиши.

С.В.Доржиева болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг энг афзал, энг яхши йўли бу низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари, шу жумладан, медиация эканлигини, чунки мазкур жараёнда асосан юристлар қатнашадиган суд процессидан фарқли равишда педагог, психолог ва жамоатчилик ўртасида обрў-эътиборга эга намунали фуқаролар иштирок этишлари мумкин бўлади. Олимнинг фикрича, болага тааллуқли низо

унга бегона бўлган бино ва шахслар доирасида эмас, балки унга жуда яхши таниш бўлган мактабида ота-онаси, ўқитувчиси ва мактаб психологи иштирокида ҳал қилиниши унинг психологиясига яхши таъсир қилади. Бу эса низони ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Негаки айнан педагог ва психолог болага нима зарурлиги бўйича суддан кўра кўпроқ маълумотга эга бўладилар.

Олимларнинг келтириб ўтилган фикрларидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар оилавий медиация доирасида ҳал қилинувчи низолар эканлиги ойдинлашади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ривожланган хорижий мамлакатларда оилавий низоларни ҳал қилишда медиацияга катта эътибор қаратилади ва шунга яраша самарадорлик кўрсаткичлари ҳам юқоридир.

Оилавий медиация институти жаҳон тарихида биринчи бўлиб 1960 йилларда АҚШда қўлланила бошланган, 1970 йилларда Ғарбий Европага кириб борган. Бугунги кунда ушбу минтақаларда 80 фоиз оилавий низолар медиация орқали ҳал қилинади. Бунда медиация орқали ҳал қилинадиган оилавий низолар фақатгина никоҳдан ажратиш билан боғлиқ бўлмай, оилавий мерос, оиланинг ижтимоий ҳимоя органлари билан низолар, шунингдек **болалар тарбияси билан боғлиқ низолар (фарзандликка олиш, васийликка олинган болалар адаптацияси)** каби низо турларини ҳам қамраб олади.

АҚШнинг кўплаб штатларида ота-она ажрашганидан сўнг болалар тарбияси ва васийлиги билан боғлиқ ишлар бўйича оилавий медиацияни мажбурий ўтказилишини назарда тутувчи қонунлар амал қилади.

Буюк Британияда эса барча оилавий низолар судгача медиация тартибида кўрилиши лозимлиги шарт қилиб қўйилган.

Австралияда ҳам худди АҚШ ва Буюк Британиядаги каби 2007 йилдан бошлаб ота-оналар ажрашганда келиб чиқадиган болалар тарбияси билан боғлиқ низолар бўйича судгача бўлган вақт давомида аккредитациядан ўтган оилавий мутахассисга мурожаат қилиш мажбурий қилиб қўйилган. Бундан оиладаги зўравонлик ёки болаларни ўғрилаш билан боғлиқ низолар мустасно. Шунингдек, мамлакатдаги Оилавий муносабатлар марказлари федерал бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Ирландияда эр-хотинлар медиация билан бепул таъминланади. Швецияда 90 фоиз ота-оналар бевосита ёки билвосита болаларга тааллуқли бўлган масалаларни медиация тартибида ёки ўзлари мустақил равишда ҳал қилишни афзал кўришади.

Данияда бепул судгача ва суд давомидаги медиация боласини кўришишда тўсқинликка учраётган шахсларга тақдим қилиниши белгилаб қўйилган.

Австрияда Оилавий медиаторларнинг консультатив кенгаши ташкил қилинган бўлиб, у давлат бюджетидан молиялаштирилиши белгиланган.

Ўзбекистонда гарчи «Медиация тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлсада, унинг оилавий медиацияга, шу жумладан, болаларнинг тарбияси билан боғлиқ низоларга нисбатан татбиқ қилиниши жуда сустрек кечмоқда. Очик манбаларда фуқароларнинг мазкур институтдан фойдаланилаётгани тўғрисида маълумотлар учрамайди. Шундан келиб чиққан ҳолда медиациянинг назарий-ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур бўлади.

Н.Имомов, М.Баратов, Қ.Меҳмонов каби ўзбек цивилист олимлари ҳам таъкидлаганларидек, Ўзбекистон Республикасининг «Медиация тўғрисида»ги Қонуни

оилавий муносабатларга ҳам татбиқ этилиши мустаҳкамланган бўлса-да, Оила кодексига эр-хотин ўртасида юзага келган низони медиатор воситасида ҳал қилиш механизми мавжуд эмас. Эр-хотин судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво ариза билан муурожаат қилганда, суд агар томонларга ярашиш учун муҳлат берса, у ҳолда эр-хотинни медиаторга мажбурий юбориши зарур. Ушбу қоида Оила кодексига ўз ифодасини топиши зарур, чунки медиатор маҳалла ҳузуридаги яраштирув комиссиясидан фарқли равишда эр-хотин ўртасида юзага келган ҳолатга малакали ҳуқуқий баҳо беради ва улар ўртасидаги низони ҳал қилишга амалий ёрдам беради.

МУҲОКАМА

Бизнингча, ушбу олимларнинг фикрлари ҳақиқатдан тўғри, аммо эр-хотинни медиаторга мажбурий юбориш уларнинг судга муурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқига даҳл қилмаслиги лозим бўлади.

Шунингдек, айрим мутахассислар оилавий медиация, шу жумладан, болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда биргаликдаги медиация (co-mediation) амалиётини жорий этиш зарурлигини таъкидлайдилар. Масалан, Австрияда оилавий медиациянинг тармоқлараро модели тарқалган бўлиб, бунда медиация икки нафар медиатор томонидан амалга оширилади. Улардан бири психология (психолог, психотерапевт ёки оилавий низолар соҳасида тегишли таълим даражасига эга бошқа шахслар) соҳасидаги мутахассис бўлсалар, иккинчиси юриспруденция соҳасидаги мутахассис бўлади (юрист, адвокат, нотариус).

Шунингдек, икки нафар эмас, балки икки ва ундан ортиқ шахс иштирокида медиаторлар таркибини шакллантириш мумкин. Бунда томонларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда гендер тенглигига амал қилиниши мақсадга мувофиқ.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам оилавий медиацияда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга юқори даражада эътибор қаратилиши унинг энг асосий ўзига хослиги ҳисобланади. Ушбу принцип Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг Оилавий низолардаги медиация тўғрисида Рес № (98)1 тавсияларида ўз аксини топган. Мазкур тавсияга кўра медиаторга болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида эътибор қаратиш ва ота-оналарга умумий болалари фаровон ҳаёт кечириши ҳақида ғамхўрлик қилиш уларнинг энг асосий мажбурияти эканлиги ҳақида эслатиш тавсия қилинган.

Шу сабабли оилавий медиаторга томонларнинг келишуви болаларнинг манфаатларига зид бўлган тақдирда медиацияни тўхтатиш ҳуқуқи берилган.

Е.Г.Куропацкаянинг таъкидича, айнан шунинг учун ҳам никоҳ-оила низолари, хусусан, болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўриб чиқишда медиация тартибини қўллаш зарур ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам судья учун юзага келган низо бўйича томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган ҳолатда қарор қабул қилиш осон эмас. Бизнингча, вояга етмаган болалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оилавий низо томонларини медиаторга юбориш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига зид келишувга эришилмаслиги таъминланиши лозим.

Шунингдек, Россия, Беларусь ва бошқа мамлакатларда таълим муассасаларида медиация фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда педагог, психолог, ота-оналар ва ҳуқуқшунос иштирок этиши белгиланган. Эътиборли жиҳати ушбу жараёнда ҳуқуқшунос иштироки мажбурий ҳисобланмайди.

Мактаб медиацияси ота-она ва болалар, ўқитувчи ва ота-оналар ёки болалар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишга мўлжалланган бўлади. Координатор ва медиаторлардан ташкил топади ва директор буйруғи билан тасдиқланади. Мактаб медиацияси ўз фаолиятини мактаб кенгаши томонидан тасдиқланадиган ва Кузатув кенгаши томонидан келишиладиган низом асосида амалга оширади.

Мактаб медиациясини амалга ошириш учун Мактаб медиация хизмати тузилади ва у интизомий ҳамда криминал характердаги мурожаатларни кўриб чиқади. Хизмат ўз фаолиятини холислик ва ихтиёрийлик принципларига асосланган ҳолда олиб боради.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон мактабларида ҳам мазкур хизматни ташкил қилиш мумкин. Негаки охириги вақтларда ўқитувчи ўқувчини ургани ёки ота-она томонидан педагогларни уриши ёки зўравонлик қилиш ҳолатлари кузатилиб турибди. Мактаб медиация хизмати ишнинг ана шу даражагача бориб етмасдан ҳар иккала томон учун мақбул шаклда ҳал қилинишига ёрдам беради.

ХУЛОСА

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг фикрлари, миллий ва хорижий тажриба таҳлилидан келиб чиққан ҳолда болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этишда медиация тартибини қўллаш юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни бартараф этишда медиация тартибини қўллашда медиатор сифатида нафақат юрист, балки педагог, психолог ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган намунали жамоатчилик вакиллари иштирок этиши мумкин;

2. Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан фарқли равишда МДХ, шу жумладан, Ўзбекистонда оилавий медиация институти ҳали кенг тарқалиб улгургани йўқ.

Ушбу хулосаларга кўра қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида эр-хотин ўртасида юзага келган низони медиатор воситасида ҳал қилиш механизми мавжуд эмас. Эр-хотин судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилганда, суд агар томонларга ярашиш учун муҳлат берса, у ҳолда эр-хотинни медиаторга мажбурий юбориши керак, **аммо** бу низо томонларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклаш ҳисобига бўлмаслиги лозим;

2. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал этишда биргаликдаги медиация (co-mediation) амалиётини жорий этиш керак. Ушбу ҳолатда низо бола психологиясидан келиб чиққан ҳолда тармоқлараро мутахассислар (педагоглар, психолог ва юрист) иштирокида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлади;

3. Таълим муассасаларида болалар таълим-тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш (болалар ўртасида, ота-оналар ўртасида, ўқитувчи ва ўқувчи ёки ота-оналар ўртасида юзага келадиган) учун таълим муассасаларида медиация институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бу юзага келган вазиятнинг янада чигаллашишининг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

REFERENCES

1. Ўзбекистонда оилавий ажрашишлар кескин кўпайди. <https://kun.uz/news/2021/07/06/uzbekistonda-oilaviy-ajrashishlar-keskin-ortdi>
2. Биз билган “оддий” ажрашишларнинг оддий бўлмаган оқибатлари. <https://zamin.uz/jamiyat/84915-biz-bilgan-oddij-azhrashishlarning-oddij-blmagan-oibatleri.html>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида» 23-сон қарори. <https://lex.uz/docs/1447402>
4. Musayeva, S. (2022). DESCRIPTION OF MODERN MARKETING RESEARCH METHODS IN THE MARKET ECONOMY. *Science and innovation*, 1(A5), 33-38.
5. Дубинина И. А. Семейная медиация как эффективный способ разрешения семейных споров. Молодой ученый. Международный научный журнал, № 25 (315) / 2020.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ги ЎРҚ–482-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/3805227>
7. Чефранова Е.А. Семейное право. Учебник для академического бакалавриата Изд. 5, пер. и доп, 2021.
8. Musayeva, S. (2022). IMPORTANCE OF MARKETING SERVICE IN ENTERPRISES IN THE CONDITIONS OF IMPLEMENTATION OF DEVELOPMENT STRATEGY IN UZBEKISTAN. *Science and innovation*, 1(A4), 280-286.
9. Мужиченко, А. В. Некоторые актуальные аспекты классификации гражданских дел, связанных с воспитанием детей / А. В. Мужиченко. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 28 (318). — С. 177-181. — URL: <https://moluch.ru/archive/318/72552/> (дата обращения: 17.04.2022).
10. З.Н.Эсанова. Понятие и виды споров, связанных с воспитанием детей, причины их возникновения, меры их предотвращения и пути решения. Ученые записки Худжандского государственного университета им. академика Б. Гафурова. Гуманитарные науки. Худжанд, 2009. Стр. 123-126
11. Доржиева С. В. Об альтернативной процедуре урегулирования споров, связанных с воспитанием детей. Право и практика, 2019. № 3. Стр. 187
12. Гордийчук Н.В. Особенности семейной медиации при разводах // Психология и психотерапия семьи. 2017. № 2. С. 15.
13. Musayeva, S., & Raxmanova, A. (2022). ANALYSIS OF MARKETING ACTIVITIES IN JSC" KHOVRENKO" OF SAMARKAND REGION. *Science and innovation*, 1(A5), 130-134.
14. Торосян Р.А. Защита прав и свобод человека и гражданина при осуществлении семейной медиации // Медиация в семейном конфликте. Сборник материалов II Всероссийской научно-практической конференции. Саратов: Саратовский источник. 2018. С. 103-106.
15. Сайт Министерства юстиции Великобритании: URL: <https://www.gov.uk/government/publications/familymediation> (дата обращения: 17.04.2022г)
16. Трофимец И.А. Медиация и расторжение брака // Российский судья. – 2014. - № 10. – С. 18.

17. В.В.Богульмова, Д.С.Муссагалиева. Применение процедуры медиации в международных семейных спорах. Молодой ученый. Международный научный журнал. № 52 (290) / 2019. Стр. 93.
18. Куатова А. Особенности процедуры медиации в семейных спорах // Publishing house Education and Science s.r.o. [Электронный ресурс]. – Режим доступа. : [http : www.rusnauka.com /](http://www.rusnauka.com/). – Дата доступа: 14.04.2022.
19. Пантелеева И.А. Семейная медиация как альтернативная процедура разрешения споров // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. 2014. № 1. С. 455.
20. Н.Имомов, М.Баратов, Қ.Меҳмонов. Ўзбекистонда оилавий ажримлар эпидемияга айландими? <https://nuz.uz/uz/zhamoat/1190532-%D1%9Ezbekistonda-oilavij-azhrimlar-epidemiya-ga-ajlandimi.html>
21. Рекомендация № R (98)1 Комитета Министров Совета Европы 2 января 1998 г. касательно медиации в семейных вопросах. Альтернативные механизмы разрешения споров. Обзор зарубежного опыта. Составитель: Х.Ёдгоров. Тошкент – 2017.
22. Куропацкая Е.Г. Медиация как способ защиты прав ребенка в Российской Федерации // Законы России: опыт, анализ, практика. – 2015. – № 8. – С. 71.
23. Основы медиативно-восстановительных технологий для участников образовательных отношений: Методические материалы. М., 2019. — С. 68
24. <https://kun.uz/news/2019/09/17/oqituvchi-maktabda-oquvchini-urdi-kim-qanday-fikrda>;
<https://kun.uz/news/2021/05/08/navoiyda-ham-oqituvchi-kaltaklandi-masalani-yopdi-yopdi-qilishmoqchimi>